



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2013 йил 28 ноябрь, № 233 (5907)

Пайшанба

ИҚТИСОДИЙ ЮТУҚЛАР ВА ЮКСАК САЛОҲИЯТ НАМОЙИШИ

“Ўзэкспомарказ” мажмуасида
“UzAgroExpo — 2013”

ҳамда
“UzProdExpo — 2013”

IX Халқаро ихтисослаштирилган қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати маҳсулотлари кўргазмаси иш бошлади. Мазкур тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, Савдо-саноат палатаси, Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ва Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмалари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда “IEG Uzbekistan” халқаро кўргазма компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди.



ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА



Жорий йилда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган янги корхоналар қуриш, мавжудларини модернизациялаш бўйича

288 та

лойиҳа амалга оширилди
ши кўзда тутилган.

Маълумки, кейинги пайтларда жаҳон матбуоти саҳифаларида, айниқса, озиқ-овқат хавфсизлиги масаласига кенг ўрин берилмоқда. Сабаби, экологик омиллар таъсирида дунёнинг кўплаб мамлакатларида қишлоқ хўжалиги экинларидан кутилганидек ҳосил олинмапти. Бу, ўз навбатида, айрим озиқ-овқат маҳсулотларининг тақчиллиги ва нархининг кескин ошиб кетишига сабаб бўлмоқда. Шундай мураккаб бир шароитда Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги соҳаси жадал ривожланаётгани кўчилида ҳавас уйғотаётди.

Чиндан ҳам, юртимизда пахта ва галла, мева-сабзавот ҳамда полиз экинлари ҳосилдорлиги, гўшт ва сут етиштириш

ҳажми йил сайн кўпаймоқда. Жорий йилнинг тўққиз ойида соҳада 6,8 фоиз ўсиш кузатилиб, икки бозор сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдирилиши баробарида, экспорт салоҳи ортигани ана шундай дейишимизга асос бўла олади.

Халқаро кўргазмаларнинг очилиш маросимида қайд этилганидек, бу Президентимиз раҳнамолигида қишлоқ хўжалиги соҳаси тубдан ислоҳ қилиниб, фермерлик ҳаракати ривожлантирилган, тизимга замонавий технологиялар изчил татбиқ этилаётганини ҳам аъён қилди. Шу маънода, аънаванавий ўтказиб келинаётган кўргазмалар иқтисодий тизимнинг етакчи соҳалари ҳисобланган қишлоқ

хўжалиги ҳамда озиқ-овқат саноати ютуқларининг чинакам намойиш майдонига айланиб бораётипти.

Фермер хўжаликлари ва кичик бизнес субъектлари орзани кутадиган бу тадбирлар ишлаб чиқаришга илғор техника ҳамда технологияларни жалб этиш, янги ҳамкорлар топиш, хорижий инвестицияларни олиб кириш учун қўшимча қулайликларни яратиб бераётгани билан ҳам аҳамиятлидир. Шунинг учун иштирокчилар сони йил сайн ош бораётди. Мисол учун, бу гал маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан бир қаторда, Германия, Италия, Хиндистон, Украина, Литва, Хитой, Жанубий Корея каби ўндан ортиқ давлат-

ларнинг 70 га яқин компаниялари ўз маҳсулотлари ва хизматларини тақдим этмоқда.

— Ушбу кўргазмада иккинчи марта иштирок этаямиз, — дейди “Geerlofs” компанияси (Нидерландия)нинг экспорт масалалари бўйича менежер Пйтер Жан Роббемонт. — Утган йилги ташрифимиз ўта самарали бўлиб, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида сизимиз салкам уч минг тонналик иккита совитиш омборхонасини қуриб бериш бўйича шартнома имзолаган эдик. Шунга мувофиқ, бу иншоотларни белгиланган муддатларда бунёд этиб, “калоти билан” топширдик.

(Давоми 2-бетда).

8 ДЕКАБРЬ —

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ



Тадбиркорлик ривожининг ҳуқуқий пойдевори

Асосий Қонунимизнинг 53-моддасида: “Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодийнинг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди”, деб белгилаб қўйилган. Утган даврда мазкур конституциявий меъёр ҳаётимизда ўзининг тўла-тўқис ифодасини топди. Аниқ айтадиган бўлсак, тадбиркорлик фаолияти ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланди.

Буни юртимизда тадбиркорлар учун яратилаётган кенг имкониятларнинг амалдаги самараси мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ташкил этилган “Конституция — тадбиркорлик тараққиётининг кафолати” мавзусидаги анжуманда шулар ҳусусида атрофлича сўз юритилди. Айни чоғда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш жараёнлари ҳамда руҳсатнома бериш тартиб-таомиллари соддалаштирилди. Соҳанинг ҳуқуқий асослари шунга мос равишда такомиллаштирилди.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН — ХИТОЙ БИЗНЕС-ФОРУМИ

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 27 ноябрь кунини Ўзбекистон ва Хитой ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон ва Хитойнинг ташқи иқтисодий алоқалар, банк-молия, машинасозлик, авиасозлик, юқори технологиялар, тўқимачилик ва энгил саноат, авиаташув, энергетика, нефть ва газ, экспорт-импорт, қурилиш маҳсулотлари ҳамда вагон ишлаб чиқариш, фармацевтика, қадоклаш, савдо-саноат, сармоя, транспорт ва транспорт коммуникациялари, электр техникаси, кимё саноати, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, дастурий таъминот, мебелсозлик, кончилик, сайёҳлик ва логистика каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Форумда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, молия вазири Рустам Азимов, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) яқин қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик кўмитаси раисининг ўринбосари Чжан Дэгуан ва бошқалар Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳамкорлик барча йўналишларда изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йил июнь ойида Хитойга расмий ташрифи

ҳамда Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг жорий йилнинг сентябрь ойида мамлакатимизга давлат ташрифи икки томонлама алоқаларга янгича руҳ бағишлаб, ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги алоқалар Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги шартнома ҳамда Стратегик шериклик ўрнатилган тўғрисидаги қўшма декларация асосида барча соҳаларда жадал ривожланмоқда. Хитой Ўзбекистоннинг савдо-иқтисодий ҳамкорлари орасида етакчи ўринни эгаллайди. Мамлакатларимиз ўртасида икки томонлама ҳамкорликни кенг қўлама қамраб олган бир юз етмишдан ортиқ халқаро-ҳуқуқий ҳужжат имзоланган.

Форумда Президентимиз Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва кенг қўламли таркибий ўзгаришларни амалга оширишга йўналтирилган ривожланишнинг “ўзбек модели” бутун дунёда катта қизиқиш уйғотаётгани, олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар самарасида мамлакатимиз эришаётган юксак иқтисодий кўрсаткичлар халқаро молиявий институтлар томонидан юксак баҳоланаётгани, шунингдек, юртимизда қулай сарможий муҳит шакллантирилгани, хорижий сармождорларнинг

ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қўнун йўли билан кенг қўламадаги имтиёзлар, афзалликлар ва кафолатлар тизими яратилгани алоҳида таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 апрелда қабул қилинган “Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим омил бўлаётди. Ҳар йили мамлакатимизда уч миллиард доллардан кўпроқ, асосан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилмоқда. Бу эса чет эллик сармождорларнинг, хусусан, хитойлик ишбилармонларнинг мамлакатимиз иқтисодиёти барқарорлиги, уни ривожлантириш истисқ-болларига қизиқиши ҳамда ишончи ортиб бораётганидан далолатдир.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасида иқтисодий соҳада энг кўп қулайлик яратиш тартиби амал қилмоқда. Ўзаро савдо айланмаси барқарор ўсиб бораётди. Икки томонлама товар айирбошлаш ҳажми 2012 йилда 3,4 миллиард АҚШ долларига етди. 2013 йилнинг тўққиз ойи якуналарига кўра, мазкур кўрсаткич 3,5 миллиард доллардан ошди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 60,8 фоиз кўпдир. Ўзбекистонда Хитой сармоясини иштирокчида тузилган 488 қўшма корхона фаолият қуритмоқда. Юртимизда Хитойнинг етмишдан зиёд компанияси ваколатхонаси ишлаб турибди.

(Давоми 2-бетда).

ХХР ДАВЛАТ КЕНГАШИ БОШ ВАЗИРИ ЛИ КЭЦЯННИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазири Ли Кэцян 2013 йил 28 ноябрда расмий ташриф билан Ўзбекистонга келади.

Ташриф дастурида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов билан учрашув кўзда тутилган. Шунингдек, ҳукуматлараро музокаралар ўтказиш, турли соҳаларда Ўзбекистон ва Хитой ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган икки томонлама ҳужжатларни имзолаш режалаштирилмоқда.

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР ҲУКУМАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ҲАҚИДА

Тошкент шаҳрида 2013 йил 29 ноябрь кунини Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг ўн иккинчи мажлиси бўлиб ўтади.

Унда Қозғистон Республикаси Бош вазири С. Аҳметов, Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазири Ли Кэцян, Қирғизистон Республикаси Бош вазири Ж. Сотиболдиев, Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси Д. Медведев, Тожикистон Республикаси Бош вазири К. Расулзода, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев, ШХТ Бош котиби Д. Мезенцев, ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия кўмитаси директори Чжан Синьфэн, ШХТ Ишбилармонлар кенгаши бошқаруви ва ШХТ Банкарлари бирлашмаси кенгаши раислари иштирок этадилар.

Мажлисда ШХТда кузатувчи давлатлар вакиллари — Афғонистон Ислам Республикаси иккинчи вице-президенти М. Ҳалилий, Хиндистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари С. Сингх, Эрон Ислам Республикаси саноат, қонлар ва савдо вазири М. Нейматзода, Мўғулистон Бош вазирининг ўринбосари Д. Тэрбишдагва, Покистон Ислам Республи-

каси Бош вазирининг милли ҳавфсизлик ва ташқи ишлар бўйича маслаҳатчиси С. Азиз, шунингдек, ҳамкор халқаро ташкилотлар вакиллари — БМТ Бош котиби ўринбосари — БМТ ЭСКАТО ижрочи котиби Н. Хейзер, АСЕАН Бош котиби ўринбосари Нян Линь, МДХ Ижроия кўмитаси раиси — ижрочи котиби С. Лебедев қатнашди.

Мажлисда ШХТга аъзо давлатлар Давлат раҳбарлари кенгаши ва Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг Ташкилот доирасида савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари иштирок этадилар.

Мажлисда ШХТда кузатувчи давлатлар вакиллари — Афғонистон Ислам Республикаси иккинчи вице-президенти М. Ҳалилий, Хиндистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари С. Сингх, Эрон Ислам Республикаси саноат, қонлар ва савдо вазири М. Нейматзода, Мўғулистон Бош вазирининг ўринбосари Д. Тэрбишдагва, Покистон Ислам Республи-

Ўзбекистон Республикаси
Ташқи ишлар вазирлиги
Матбуот хизмати.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловлари ушшоққўқ билан ўтказилмоқда.

Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови қизғин давом этмоқда

Самарқанд вилоятида 1242 нафар фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 15 мингга яқин маслаҳатчиларини сайлаш режалаштирилган бўлиб, айни чоғда сайловлар қизғин давом этаётди. Бунда жойларда ташкил этилган ишчи гуруҳлари томонидан янги таҳрирдаги “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талаб-қилиги ишлар самарали амалга оширилаётгани муҳим омил бўлмоқда.

— Вилоятимизда бу муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирни юксак савияда ўтказиш учун барча чора-тадбир қўрилган, — дейди сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга қўмақлашувчи Самарқанд вилояти комиссияси раиси У. Тошкенбоев.

— Хусусан, сайловлар бўлиб ўтадиган жойлар тайёр ҳолга келтирилди. Шу жумладан, уларда сайловчилар учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Аҳоли ўртасида янги таҳрирдаги Қонуннинг мазмун-моҳияти, унга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар ҳамда сайловни ўтказиш тартиблари бўйича тушунтириш ишлари изчил олиб борилади. Ишчи гуруҳлари томонидан ҳовлилар, уйлар, кўчаларда аҳоли иштирокида фуқаролар вакиллари сайлови бўйича умумий йиғилишлар ўтказилди ва сайловчилар сонидан келиб чиқиб, вакиллар сайланди. Шу билан бирга, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимларига камда уч нафардан номзодлар кўрсатилди.

(Давоми 2-бетда).



эришилмоқда. Табиийки, бунда ихтисослаштирилган халқаро кўргазмалар мўҳим бозор вазифини ўтаётди.

танлаш имкониятини яратиб бераётди. Муҳтасар айтганда, уч кун давом этадиган халқаро кўргазмалардан кўзланган асосий мақсад Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантиришга кўмаклашидир.

Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови ҚИЗГИН ДАВОМ ЭТМОҚДА

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Кенг кўламли ушбу чора-тадбирлар самараси ўлароқ, сайловлар қизғин баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтмоқда.

ана шундан далолат бериб турибди. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, йиғин раиси лавозимига сайланганларнинг катта қисми иқтисодчи ва ўқитувчилардир.

ИҚТИСОДИЙ ЮТУҚЛАР ВА ЮКСАК САЛОҲИЯТ НАМОЙИШИ

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Шу аснода юртингизга бир неча марта келиб, иқтисодийнинг барча тармоқлари жадал ривожлантаётганига гувоҳ бўлдим.

завотни қайта ишлаш ускуналари, бодгорчилик ва иссиқхона ҳўжаликлари учун ихчам техникалар, чопик ва хайдов тракторлари, сут соғиш ва сақлаш жиҳозлари, ветеринария препаратлари ва вакциналари, уруғлик, минерал ўғит ҳамда кимёвий воситалар шулар жумласидандир.



ларни саралаш ва қадоқлаш ускуналари, сақлаш қурилмалари, шунингдек, савдо дўконлари, супермаркетлар учун автоматлаштирилган тизимлар ишлаб чиқарувчилар бўлиб, бу тадбиркорларга

ҳиятини юксалтиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Сайд РАҲМОҲОВ, «Халқ сўзи» муҳбири. Хасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Тадбиркорлик ривожининг ҳуқуқий пойдевори

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Тадбирда туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридида тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияларида тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш учун тўланадиган давлат божи энг кам иш ҳақи миқдорининг бир баравари миқдорида белгилангани, шунингдек, давлат рўйхатидан ўтказишда нотариял тасдиқланадиган таъсис ҳужжатларини тақдим этиш ҳақидаги талаб бекор қилинганлиги фаолиятини бошлаш механизмларини соддалаштиришга хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Сармовявий ҳамкорлик икки мамлакат ҳўкуматлари ўртасида 2010 йилда имзоланган ноҳом ашв ва юқори технологиялар соҳаларидаги ҳамкорлик дастури доирасида амалга оширилмоқда.

сармоёси иштирокида юқори технология лойиҳаларини амалга оширишда “Навой”, “Ангрен” ва “Жиззах” иқтисодий зоналари муҳим аҳамият касб этмоқда.

да лиффта катта талаб мавжуд. Шуларни ҳисобга олиб, 2014 йилда “Жиззах” махсус индустриал зонаси ҳудудида юқори сифатли лифтлар ишлаб чиқариши йўлга қўйил ниятидадир.

ЎЗБЕКИСТОН — ХИТОЙ БИЗНЕС-ФОРУМИ

авваламбор, юқори технологиялар соҳасидаги лойиҳаларни ҳаётга таътиқ этиш борасидаги ҳамкорликни фаол ривожлантирмоқда.

Хитой компаниялари юртимиздаги ўғлеводород конларини қидириш ва қазиш ишларида фаол иштирок этаётди. Жумладан, Хитой Миллий нефть-газ корпорацияси (CNPC) нафақат истиқболли ўғлеводород конларини қидириш ва ишга тушириш, балки Мўбарак газ-кимё мажмуасида табиий газни чуқур қайта ишлаш лойиҳасини амалга оширишда ҳам қатнашмоқда.

ромадларини ошириш мақсадида ташкил этилган мазкур зоналарда юқори қўшилган қийматга эга рақобатбардош махсусотлар ишлаб чиқариши таъминлайдиган юксак технологияли корхоналарни ташкил этиш учун хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш бўйича кулай шарт-шароит яратилган. Хусусан, “Жиззах” махсус индустриал зонасида Хитой ишбилармонлари билан ҳамкорликда мобил телефонлар, қурилиш материаллари ва бошқа махсусотлар ишлаб чиқарилмоқда.

этгани уларнинг мамлакатимиз тадбиркорлари билан ҳамкорликда кўша лойиҳаларини амалга ошириш, сармоё киритиш ва узоқ муддатли ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтиришга қизиқиши юқори эканидан далолатдир.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 16 июлдаги “Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва руҳсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига кўра, статистика, молия, солиқ ҳисоботлари ҳамда бошқа ҳисобот турларини бекор қилиш, бир-бирини такрорловчи шакллари бирлаштириш эвазига бундай ҳисоботлар миқдори ва уларни тақдим этиш даврийлиги қисқартирилди. Шуларга мос ҳолда Адлия ва Зирғилиги томонидан тадбиркорларга ҳуқуқий хизмат кўрсатиш мақсадида масъулият чиққан жамиятларнинг намунавий устав ҳамда таъсис шартномалари янгидан ишлаб чиқилиб, расмий веб-сайлга жойлаштирилди. Табиийки, бу ҳам тадбиркорлар учун қўшимча кулайликлар туғдирмоқда.

Хитой Ўзбекистон билан амалий ҳамкорлиги ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда, — деди ШҲТ яқин қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик қўмитаси раисининг ўринбосари Чжан Дэгуан. — Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик юксак суръатларда ва изчил раванқ топмоқда. Ҳозир ҳамкорликнинг энергетика, қишлоқ ҳўжалиги, минерал ресурслар, машина-созлик ва саноат соҳалари улкан истиқболга эга. Мамлакатимизда хориж

Анжуманда Ўзбекистон билан сармовявий ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари ҳақида сўз юритилди. Савдо-саноат, ёқилғи-энергетика, кимё саноати, юқори технологиялар, қурилиш материаллари ва табиёий ускуналари ишлаб чиқариш, автомобилсозлик, электр техникаси, тўқимачилик ва энглер саноат, кўнчилик, фармацевтика каби соҳалардаги алоқаларини янада кенгайтириш, бу йўналишларда биргаликда ўзаро фойдали сармовявий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Бизнесс-форум якунида турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган қатор сармовявий битимлар имзоланди.

Ирода УМАРОВА, ЎЗА муҳбири.

2013 йил — обод турмуш йили

Мамлакатимизда бозор муносабатлари тизими ҳар томонлама ривожлантирилиб, бу борадаги ислохотлар бошқича-бошқич, тизимли равишда амалга оширилмоқда.

Юртимизда, эътироф этиш керак, уларнинг ҳуқуқий асослари яратилган бўлиб, миллий қонунчилигимиз билан мустаҳкам қафолатлаб қўйилган.

манжуалар ва ҳ.к.) нисбатан мулк ҳуқуқига, иморат қуриш ёки томоқа сифатида вақолатли давлат идораси томонидан ажратиб берилган ер

зимида жиддий фарқланади. Хориж мамлакатларида ипотека, бу — қарз олувчи ва тижорат банки ўртасидаги ҳусусий муносабатлардир.

кўплаб вазифарлар рўёбга чиқарилади. Чўнончи, бу қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва қурилишни амалга ошириш ҳамда қишлоқ ҳудудларини режа ва энг замонавий талаблар асосида ободонлаштириш, кишилар учун кулай хизмат инфратузилмаларидан фойдаланиш имкониятларини яратади.

истиқомат қилувчи фуқаро уйнинг намунавий лойиҳалари орасидан ўзига ёққанни танлаб, дастлабки бадал сифатида уй қийматининг 25 фоизи миқдориде ўз маблағини тўлайди.

Чўнончи, 2006 йил 4 октябрда қабул қилинган “Ипотека тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қўнони, ўз навбатида, ипотекани бугун мамлакат миқёсида кенг қўллаш имкониятларини яратишда муҳим омил бўлмоқда.

мажмуалар ва ҳ.к.) нисбатан мулк ҳуқуқига, иморат қуриш ёки томоқа сифатида вақолатли давлат идораси томонидан ажратиб берилган ер

ўлчаб бир кесилган бўлса, бундан хавфсиз сираш керак эмас.

Ривожланган давлатлар тажрибаси шунни кўрсатадики, ипотека ўрта қатламга

уларнинг халқаро молия институтлари билан алоқаларини мустаҳкамлайди. Уй-жойларни намунавий лойиҳалар асосида тайёр ҳолда топшириш шартли билан қуриш бўйича барча ишларни амалга оширувчи “Қишлоқ қурилиш инвести” иттиҳослаштирилган инжиниринг компанияси учун қатор имтиёз ва преференциялар белгиланган.

Ипотека кредити олувчининг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари қўнонда белгиланган асосда ва тартибда унинг меросхўрларига ўтади.

Шу ўринда ипотеканинг моҳияти ҳусусида тўхталадиган бўлсақ, қайд этиш жоизки, кўчмас мулклар, жумладан, тураржойлар, бинолар ва шу қабиларга нисбатан ҳуқуқларга эга бўлган шахслар ушбу ҳуқуқларини гаровга қўйиб, кредит-қарз олишлари мўкин ва мазкур маблағлардан самарали фойдаланиш асосида ўз мақсадларини рўёбга чиқариш имкониятига эга бўладилар. Бошқача айтганда, бозор тизимида гаров, айниқса, кўчмас мулк гарови — ипотека аҳолининг фаол, уддаборан, ишбилармон қисми учун вақтинчалик пул маблағларига зарурат сезганда қўлланиладиган ва кейинчалик ортиқча зўриқиларсиз ўрни тўлиб кетадиган самарали тадбир ҳисобланади.

Юртимизда ипотекани кенг ва осон қўллаш учун барча шарт-шароит яратилган. Тегишли ҳуқуқий асослар, зарур инфратузилма — тижорат банклари, баҳоловчи ташкилотлар, тадбиркорлик тузилмалари шулар жумласидандир.

мансуб фуқароларнинг тураржойларга эга бўлишларида асосий иқтисодий-юридик шакл сифатида ўзини яққол намойён этмоқда. Маълумки, инсон учун ҳар доим зарур бўлган нўматлардан бири — ўз уйига эга бўлиш ҳисобланади. Табиийки, ҳовли ёки алоҳида квартира ўз-ўзиндан эришилмайдиган нарса эмас. Бутун дунё бўйича ушбу масала ўта долзарб бўлиб, ўрта қатламга мансуб эр-хотин даромадларини тинмай жамғариш эвазига ҳам уй-жой сотиб олишлари мушкул. Мана шундай шароитда ипотека энг тенгис воситадир. Сотиб олинётган ёки қуриляётган тураржойни гаровга қўйиш эвазига олинган қарз-кредитни аста-секин (10 йил ёки ундан ортиқ муддатларда) тўлаб бориш ҳисобига оила тураржой мулкдорига айланади.

организи, қурилиш ташкилотлари ва ипотека олувчи учун имтиёз ҳамда преференциялар берувчи давлат ўртасидаги кенг кўламли ижтимоий-ҳуқуқий, иқтисодий-ҳуқуқий муносабатлар тизимида. Демак, ушбу муносабатлар доирасида ипотека олувчи давлатнинг қўллаб-қувватлаши ва гамхўрлигини сезиб туради ҳамда тасодифий вазият туфайли оғир аҳолга тушиб қолиши истисно этилади.

Шу нуктага назардан айтганда, ипотека кредит олувчининг уй-жойли бўлишини таъминлашда ҳам муҳим ўрин тутаети. Мисол учун, қишлоқда

Ипотека кредити олувчининг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари қўнонда белгиланган асосда ва тартибда унинг меросхўрларига ўтади. Шунингдек, ипотека кредити олувчи ва масалан, унинг фарзанди ўртасидаги келишув ҳамда банк розилиги билан ипотека кредити олувчи ўрнига ипотека шартномасида фарзанди қириши мўкин. Демак, ипотека кредити олувчи нафақага чиққанда, фарзанди (тегишли суммада барқарор даромадларга эга бўлса) унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини қабул қилиб, ипотека кредити олувчи сифатида расмийлаштирилиши мўкин. Ўзбек оилаларидаги ота-оналар ва болалар ўртасидаги ўзаро муносабатлар характеридан келиб чиққанда бўлса, юқоридаги тартиб авлодлар ворислигини таъминлашга хизмат қилади.

Хозир ипотека турмушининг кўпгина соҳаларида, айниқса, тадбиркорликда кредит олишда қўлланилмоқда. Айтиш жоизки, кўчмас мол-мулк гарови гаровнинг бошқа турлари нисбатан тижорат банклари учун ишончли восита ҳисобланади. Унинг қиймати катта, баҳосининг пасайиш хавфи кам, унинг истемоли қилиниши ёқуд яшириб қўйишли мўкин эмас. Қолаверса, ипотекани қўллаш учун, энг аввало, фуқаро ёки юридик шахс кўчмас мол-мулк объектларига (бинолар, иншоотлар, квартиралар, корхоналар, мулквий

Албатта, ҳар қандай гаров каби ипотекада ҳам кўчмас мулк гарови эвазига олинган қарз-кредит қайтарилмаганда кўчмас мулк ҳисобидан кредиторлар талаблари қаноатлантирилади. Бу ҳолат, шубҳасиз, гаровга қўювчини ўйлантиради. Бироқ мақсади аниқ ва пухта ўйланган, барча имкониятлар чамаланган, етти

Бугунги кунда аҳоли, хусусан, ёш оилалар учун мўлжалланган ипотека ҳамда унинг турлари тўлақонли ишлаши мамлакатимизда уй-жойга бўлган эҳтиёжни қаноатлантиришнинг самарали воситаси бўлиб хизмат қилмоқда. Зеро, турмушимизнинг обод, ҳаётимизнинг янада фаровон бўлишини таъминлашга қаратилган оқилона сиёсат негизида ана шу эзгу мақсад мўжассамдир.

О. ОҚЮЛОВ, юридик фанлари доктори, ТДЮУ профессори.

Спорт

Самбо бўйича катталар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоасининг уч нафар аъзоси совриндор бўлди.

Полвонларимиз маҳорати

Етмишга яқин давлатдан 500 нафардан зиёд спортчи катнашган мазкур мусобақада ҳамюртларимиздан Шавкат Жўраев вази 52 килограммгача бўлган самбочилар баҳсида кумуш медални кўлга киритди.

Вази 74 килограммгача бўлган полвонлар беллашувида ўз маҳоратини синовдан ўтказган яна бир вакилимиз Истам Қудратов ҳам якунда иккинчи натижани қайд этди.

Жаҳон чемпионатида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Давлат Ҳамроев (62 кг.) эса кучли учликдан жой олди.

Навбатдаги тур якунланди

Мини-футбол бўйича Ўзбекистон XVIII миллий чемпионати биринчи босқич иккинчи тур баҳслари ниҳоясига етди.



Унда пойтахтнинг "Локомотив" жамоаси барча учрашувларни галаба билан якунлаб, пешқадамлик мавқеини янада мустаҳкамлаб олди.

"Темир йўлчилар" мазкур тур доирасида "Когон"ни 5:1, "Пахтакор"ни 5:0, "Дўстлик-АИ"ни 7:2 ва "Турон-С"ни 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Шу тарихда "Локомотив" футболчилари ортада қолган тўққиз ўйиннинг ҳаммасида галаба қозониб, 27 очко билан

пешқадамлик қилмоқда. Тошкент вилоятининг "Максам-Чирчиқ" жамоаси ушбу турда "Арду"дан 6:4, "Пахтакор"дан 8:0, "Когон"дан 3:2 ҳисобида устун келиб, "Дўстлик-АИ" билан дуранг ўйнади — 5:5.

Мазкур турдан сўнг "Максам-Чирчиқ" ҳисобида 23 очко бор. Совринли ўринларга даввогарлик қилаётган "Когон" жамоаси футболчилари эса 19 очко жамғаришган.

Фозилдин АБИЛОВ
тайёрлади.

Навқирон чемпионлар

Қарши шаҳрида 2000/2001 йилларда туғилган ўғил-қизлар ўртасида кураш бўйича мамлакат чемпионати ўтказилди.

Мусобақада ўғил болалар ўртасида ўн, қизлар ўртасида эса саккиз вази тоифасида голиблар аниқланди. Қизиқарли баҳсларга бой кечган беллашувлар якунида Огабек Раҳматов, Умид Шокиров, Шаҳзод Жумаев, Бекзод Омонов, Ақром Бўронов, Ҳалима Қурбонова, Шаҳноза Бозорова, Бийбириза Қаллибекова, Доноҳон Мухиддинова, Маржона Йўлдошева, Зухра Суянова "Ўзбекистон чемпиони", деган шарафли номга сазовор бўлди.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Биринчилик голиблари

Нукусда стол тенниси бўйича Ўзбекистон биринчилиги баҳслари якунланди.



Унда мамлакатимизнинг юз нафарга яқин спортчиси совринли ўринлар учун кураш олиб борди. Мусобақанинг

яккалик беллашувларида Римма Туфранова ва Зоҳир Кенжаев голибликка эришди.

Жуфтликлар ўртасида Аида Алимбоева/Комила Холиқова ҳамда Элмурод Холиқов/Қутбидулла Тешабоев тандемлари муваффақият қозонди.

Ҳидоят АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Кучлилар сараланди

Самарқанд шаҳрида дзюдо бўйича эркаклар ва хотин-қизлар ўртасида ташкил этилган Ўзбекистон кубогининг голиб ва совриндорлари номи маълум бўлди.

Мусобақада эркаклар ўртасида Баҳром Иноятов, Шухрат Назаров, Улугбек Норқобитов, Элёр Машарипов, Темурхон Тўраев, Камолдин Холмаматов ва Мухаммадлазиз Қаюмов ўз вази тоифасида барча рақибларидан устун келди.


Хотин-қизлар ўртасида эса Дилдора Убайдуллаева, Равияжон Қурбонова, Гулмира Раззоқова, Кумуш Йўлдошева, Муҳайё Иброҳимова, Кристина Ковалёва ва Гулноза Зиёева ана шундай муваффақиятга эришди.

Жамоавий беллашувларнинг эркаклар ўртасидаги финалида Самарқанд, хотин-қизлар ўртасида Хоразм вилояти дзюдочилари галаба қозониб, Ўзбекистон кубоги соҳиби бўлди.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Бухоро санъат коллежида таҳсил олган когонлик Нигора Ашурова ўзи учун қадрдон бўлиб қолган 2-болалар мусиқа ва санъат мактабига қайтди. Бундай дейишимизнинг боиси бор. Нигора Когон шаҳридаги шу масканда ўқиб, устозларидан мусиқа сирларини ўрганган. Эндиликда эса бу ерда меҳнат қилаётган 35 нафар ўқитувчи қаторида ўғил-қизларга сабоқ бермоқда.



КАМОЛОТ ОСТОНАСИ

— Оиламизда тўнғич фарзандман, — дейди у биз билан суҳбатда. — Болалигимдан мусиқага меҳр кўйгандим. Шу соҳада ўқиб, кам бўлганим йўқ. Ҳозир иқтидорли ёшларга хор йўналишида дарс бераман. Кўни-кўшниларимиз баъзан уйимиздагиларга ҳавас билан "Нигорахон орзусига эришиб, ҳаётда ўз йўлини топиб кетди", дейишади. Шунда гурурланиб кетаман. Аслида орзуларимнинг ушалишида биз, ёшларга давлатимиз томонидан яратиб берилган шарт-шароитлар сабаб бўлаётганини таъкидлайман.

Дарҳақиқат, ёш мутахасссининг фикрида жон бор. Мана, мазкур мактабни олиб қарайлик. У 113 йил муқаддам қурилган, мослаштирилган, таъмирталаб, мусиқа ва санъат соҳасининг ўзига хос талабларига жавоб бермайдиган бинода фаолият кўрсатар эди. Эскирган мейбеллар, умрини

ўтаб бўлган мусиқа асбобларини-ку айтмай қўя қолайлик.

— Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, масканимиз учун ҳам замонавий ўқув биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди, — дейди муассаса директори Л. Якубова. — Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан ажратилган 1 миллиард 628 миллион сўм эвазига барпо этилган бу кўшқаватли бинода қобилиятли ёшларга мусиқа ва санъат сирларини ўргатишимиз, улар иқтидорини юзага чиқаришимиз учун зарур барча қулайликлар муҳайё қилинган.

Айтиш жоизки, мусиқа ва санъат мактаби биноси муҳташам кошонани эслатади. Синфхоналари кенг ва ёруғ.

Машгулот хоналари ҳар бир йўналишга мослаштирилган. 200 ўринли концерт зали бор. У замонавий техник ускуналар билан жиҳозланган. Дарвоқе, мактабнинг моддий-техник базаси тобора мустаҳкамланаяпти. Чунончи, муассасага давлатимиз томонидан 343 миллион сўмлик мусиқа асбоблари ажратилди. 11 фортепьяно, 2 та рояль, электрон фортепьяно, ўзбек халқ чолғу

асбоблари, дамли чолғу асбоблари шулар жумласидан. Айтиш жоизки, мусиқа ва санъатнинг жами 11 йўналишида сабоқ олапти. Иқтидорли дейишимизнинг боиси бор. Тавлим даргоҳига танлов асосида қабул қилинади. Гулчехра Султонова, Зоя Бурнашева, Адолат Равшанова, Латиф Мирзаев, Мавлуда Орипова сингари жонқуяр ўқитувчиларнинг меҳнати яхши самара бермоқда. Ўтган йили Ҳилола Аҳмедова, Залина Исломова, Хусниддин Саъдуллаев сингари ёш иқтидор эгалари бир қатор танлов-

ларнинг мамлакат босқичида голиблар қаторидан ўрин олишди. "Наврўз садолари" республика кўп овозли миллий чолғу ансамбль ва оркестрлар фестивалида "Созим овози" чангчилар гуруҳи фахрли учинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Мактаб ўқувчиларининг шахар ва вилоят миқёсидаги ютуқлари ҳақида ҳам узоқ гапириш мумкин. Ушбу масканнинг ўтган йили натижаларига кўра, "Намунали болалар мусиқа ва санъат мактаби" танлови республика босқичида учинчи ўринга муносиб кўрилгани ҳам бежиз эмас. Мактаб жамоаси бу ютуқларга давлатимиз томонидан яратиб берилган барча шарт-шароит пойдевор вазифасини ўтаётганини эътироф этмоқда.

Чиндан ҳам, юксак эътибор ва ғамхўрлик бу каби мактабларни чинакам истезодлар масканига айлантормоқда. Фарзандларимиз мусиқа ва санъатга ошно бўлиб, ҳар томонлама баркамол вояга етишяпти. Шу кунга қадар Бухоро вилоятида фаолият кўрсатаятган болалар мусиқа ва санъат мактабларининг етти таси янгидан қурилиб, олти таси реконструкция қилинган ҳамда мазкур юмушларга Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан жами 20 миллиард 877 миллион сўм сарфлангани бу эзгу мақсадлар рўйиба қаратилган эзгу ташаббусдир, десак, асло муболага қилмаган бўламиз.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Интерфаол доска

Наманган шаҳридаги 31-умумтаълим мактаби намунали ўқув муассасалари-дари бири ҳисобланади. Яқинда бу ерда муҳим янгиллик қўлиниб, фан машгулотларини энг илғор педагогик технология асосида ташкил этиш имконини берувчи интерфаол доска ўрнатилди.

ИЗЛАНИШ

Мактаб директори Жамолхон Абдувалиев саъй-ҳаракати ва шахсий маблаг ҳисобига жорий этилган мазкур янгиллик республикаликмиз умумтаълим мактаблари орасида биринчилик қаторида қўлланила бошланганига эътиборга лойиқ. Унинг афзаллиги шундаки, ўқувчи ўтилаётган машгулотга оид маълумотлар, мазму моҳиятини очиб берувчи ишланмаларни доскага жойлаштирилган ҳаракатли кўргазмалар орқали бевосита кузатиб боради. Электрон доска ёрдамида барча фанларни ўқитиш мумкин.

Таълим муассасаси жамоаси сенсорли интерфаол досканинг электрон хотирасига қисқа вақт ичида фанлар бўйича 50 дан ортиқ ишланма ва видеороликлар киритиб, машгулотлар жараёнида кенг фойдаланмоқда. Бундан ташқари, интернет тармоғида мактаб сайти ташкил этилиб, унга ўқитувчилар жамоаси, шунингдек, бу ерда ўтказилган турли маънавий-маърифий ва тарбиявий тадбирлар ҳақидаги ахборотлар жойлаштириб борилапти.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Реклама ўрнида

STANDARD & POOR'S

халқаро рейтинг агентлиги

2013 йилнинг 26 ноябрь куни

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг кредит рейтингларини ТАСДИҚЛАДИ.

Узоқ муддатли рейтинг — «В+»
Қисқа муддатли рейтинг — «В»

Рейтинглар истиқболи:

«БАРҚАРОР»

Ватанимиз равнақи йўлида Сиз билан бирга!

www.nbu.com

Инновациялар ва ахборот таъминоти

Пойтахтимизда "Аграр сектор: инновациялар ва ахборот таъминоти" мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди. Мазкур тадбир БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ўрмон хўжалиги бош бошқармаси ҳамкорлигида "Ўзбекистонда ёғочга оид бўлмаган ўрмон маҳсулотлари соҳасини қўллаб-қувватлаш бўйича миллий стратегияни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш" лойиҳаси доирасида ўтказилди.

АНЖУМАН

Таъкидландики, юртиликларни етиштириш, ёввойиларини йиғиш ва қайта ишлов беришга ихтисослаштирилган барча тармоқларини ривожлантириш учун жуда қулай. Энг асосийси, аграр соҳа вакилларига эмин-эркин меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароит яратиб берилган бўлиб, бу мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш, маҳсулот етиштириш ҳажмини кўпайтиришда муҳим омил бўлапти.

Шифобахш ўсимликлар етиштириш ва асаларчилик тармоқларидаги ўзгаришлар бунга яққол мисолдир.

Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг ўсимлик дунёси ниҳоятда ранг-баранг бўлиб, ҳудудларда 4500 дан ортиқ наботот тури учрайди. Уларнинг 400 тури асалга бойлиги, 600 тури доривор ва хушбўй хусусиятга эгалиги билан алоҳида қимматга эга. Негаки, бундай гиёҳлар озиқ-овқат, фармацевтика ва парфюмерия саноати учун муҳим хом ашё ҳисобланади.

Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси тизимидаги "Шифобахш" илмий-ишлаб чиқариш маркази

фаолияти шундай ўсимликларни етиштириш, ёввойиларини йиғиш ва қайта ишлов беришга ихтисослаштирилган. Мазкур марказ томонидан йилга ўртача 300 тонна доривор ўсимликлар тайёрланаётган бўлса, ўрмон ҳудудларида 200 минг кути асалари уяси жойлаштирилиб, кўп миқдорда бол олинмоқда.

Ҳаётга татбиқ қилинган лойиҳалар эса бу борадаги имкониятларни янада кенгайтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Улар қишлоқ аҳолиси ва тадбиркорларни асаларчилик ҳамда ўрмончиликка жалб этиш орқали маҳсулот етиштириш ҳажмини муттасил кўпайтиришни кўзда тутди. Бунинг учун янги технология ва инновацияларни қўллаш, соҳа вакилларининг ахборот билан таъминланганлик даражасини ошириш чора-тадбирлари кўриляпти.

"Chinor ENK" компанияси фаолияти соҳада ахборот алмашинувини янада яхшилашга йўналтирилган бўлиб, бу борада амалга оширилаётган ишлар хусусида йиғилганларга атрофлича маълумот берилди.

С. ИБОДУЛЛАЕВ.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва касба уюшма қўмитаси Иқтисодий таҳлил ва аудит кафедраси доценти Карим Аҳмеджановга волидаи муҳтарамаси

ҲАКИМА аянинг

вафоти муносабати билан чуқур тазия изҳор этади.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.



«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.35 Топширилди — 21.30 1 2 3 4 5

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1154. 75 516 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — М. Холматов.
Мусахҳиҳ — С. Исломов.